

**БҮЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА МЕТОДОЛОГИК МАДАНИЯТНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ (модулли таълим асосида)**

*Расурова Мастура
Қарши давлат университети талабаси*

Аннотация: мазкур мақолада модулли ўқитиш технологиясининг мақсади, модулли таълим асосида бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш технологияси мазмуни кенг ёритилган. Бўлажак ўқитувчининг педагогик фаолиятни амалга оширишга тайёрлиги унинг билим, кўникма ва малакалари билан боғлиқ бўлиб, у эгаллаган касбий компетенциялари орқали таълим жараёнида юзага келган педагогик муаммоларини ҳал қилишни таъминлайди.

Калит сўзлар: профессионал таълим, маданият, касбий компетенция, технология, педагогик маҳорат, модулли ўқитиш технологияси.

Аннотация: в данной статье широко освещается назначение модульной технологии обучения, содержание технологии формирования методической культуры у будущих учителей на основе модульного обучения. Готовность будущего учителя к педагогической деятельности связана с его знаниями, умениями и квалификацией, и через приобретенные профессиональные компетенции он обеспечивает решение педагогических задач, возникающих в образовательном процессе.

Ключевые слова: профессиональное образование, культура, профессиональная компетентность, технология, педагогическое мастерство, модульная технология обучения.

Abstract: in this article, the purpose of modular teaching technology, the content of the technology of forming methodological culture in future teachers based on modular education is widely covered. The future teacher's readiness to carry out pedagogical activity is related to his knowledge, skills and qualifications, and through the acquired professional competences, he ensures the solution of pedagogical problems that arise in the educational process.

Key words: professional education, culture, professional competence, technology, pedagogical skills, modular teaching technology.

Бугунги кундаги ўзгаришлар шароитида таълим олдида ёш авлодни тарбиялашга жиддий талаблар қўйилмоқди. Мамлакатимизнинг ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришлар натижасида жамиятда компетенцияли ўқитувчи учун замонавий талаблар юзага келди.

XXI асрдаги таълимга профессионал билим ва кўникмаларга эга бўлган,

мустақил, ижодий қобилиятли, юксак педагогик маҳоратли ва маданиятли, маънавий бойликка эга бўлган ўқитувчилар зарур.

Бўлажак ўқитувчиларнинг таълим тизимининг назарий ва услубий асосларини фаол ривожлантириш, унинг мазмуни, усулларини такомиллаштириш воситаларини кўриб чиқиш даркор.

Модулли таълим асосида бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш технологиясини такомиллаштириш зарурати бир қатор ижтимоий, иқтисодий, психологик ва педагогик омиллар билан белгиланади. Шуни таъкидлаш керакки, бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш технологиясини ташкил этишда педагогиканинг интеграциялашуви бўлган ўқитувчининг келажақдаги педагогик фаолияти таркибий кисмларининг бутун мажмуаси тўлиқ акс этиши зарур.

Шу туфайли олий таълимда бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш тизими жуда мураккаб бир қатор компонентларни ўз ичига олади. Шу билан бирга, педагогик илм-фаннынг замонавий даражаси бўлган бўлажак ўқитувчининг касбий тайёргарлик жараёнининг алоҳида жиҳатларини ўрганиш учун интеграл ёндашув лозим.

Мамлакатимиздаги олий таълим тизими муассасаларида модулли таълим технологиясидан фойдаланиб ўқитишиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилди ва натижалари амалда татбиқ этилмоқда. Бу соҳада ҳалигача изланишлар олиб борилмоқда, тажрибалар ўтказилмоқда.

Педагог олим Н.А.Муслимовнинг таъкидлашича: “Модулли таълим технологиясидан фойдаланиб ўқитишиш – самарали натижаларга эришишни таъминлайди, чунки у талабаларнинг билим имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимига энг яхши мослашгандир”.

Модулли таълим технологияси таълимнинг замонавий масалаларини ҳар томонлама ечишга ҳаракат қиласи. Бунда модулли таълим технологиясини қисқа ва ихчам кўринишда ишлаб чиқиш зарурияти келиб чиқади.

Авваламбор бор модул тушунчасига тўхталиб ўтсак.

“Модул” лот. “modulus” сўзидан олинган бўлиб, 1) тизим ичидаги ўзаро чамбарчас боғлиқ элементлардан иборат тугун; 2) муайян технологияни ташкил қилувчи таркибий бўлакларни ифодаловчи атама; 3) ўқув материалининг мантиқан тугалланган бирлиги деган маъноларни англатади.

Н.Ҳ.Авлиёқуловнинг таъкидлашича: “Модулли ўқитишиш – фаолият кўрсата оладиган ўзаро чамбарчас боғлиқ элементлардан иборат бўлган тугунни билдиради”.

Ўқитишининг модул тизими ҳақида расмий равиша биринчи марта 1972 йил ЮНЕСКОнинг Токиодаги бутунжаҳон концепциясида сўз юритилган эди.

Модулли ўқитишиш технологияси – функционал тизимлар, фикрлашнинг

нейрофизиологияси, педагогик-психологияларнинг умумий назариясидан келиб чиқади.

В.П.Беспальконинг таъкидлашича, модул фанининг фундаментал тушунчалари – маълум ҳодиса ёки қонун, ёки бўлим, ёки маълум бир йирик мавзу, ёки ўзаро боғлиқ тушунчалар гурухини ўз ичига олади.

Модул – бу ўқув материалининг мантиқан тугалланган бирлиги бўлиб, ўқув фанининг бир ёки бир неча фундаментал тушунчаларини ўрганишга қаратилгандир.

Ў.Қ.Толипов эса модуллашган технологиянинг афзаллиги ҳақида қуйидагича фикр билдириб, модулли таълим технологиясининг афзалликларидан бири – таълим мазмунини тартибга солишдан иборат бўлиб, бунда мавжуд ахборотдан шундайларинигина қатъйлик ва қунт билан танлаб олиш керакки, улар давлат таълим стандартлари доирасида ўқувчилар фаолиятини етарли даражада муваффақиятли амалга ошириш имконини бериши лозим эканлигини таъкидлаб ўтганлар.

Модулли таълим технологиясининг бошқа технологиялардан фарқи шундаки, бунда ҳар қайси босқичда ўқувчилар ўқув материали бўйича етарли билим, кўнишка ва малакаларни эгаллаганларидан кейин охирги босқичга ўтадилар. Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш тизими уларнинг ўта иқтидорлилигига, замонавий ахборот оқимини ўзлаштиришга, илмий тадқиқот фаолияти, индивидуал ва мустақил ишлаш кўникамларини ривожлантиришга, илмий-техникавий информация ва ўқув илмий адабиёт билан ижодий ишлай олишига имконият бериш лозим.

Модулни тайёрлаш тўрт асосий босқични ўз ичига олади.

- 1) Ўқув материалини таҳлил қилиш модули.
- 2) Ушбу мақсадларга эришишни акс эттирадиган мақсадларни аниқлаш ва режалаштирилган таълим натижаларини аниқлаш.
- 3) Модуллар кўринишидаги ўқув материалларини тузиш, талабаларнинг билиш имкониятларига мос келадиган таълим фаолиятини лойиҳалаштиришни ўз ичига олади.
- 4) Ушбу босқич икки модулни ўз ичига олади.

Кичик модул – замонавий педагогик технологиялар таркибидағи энг кичик бирликни ифодалайди.

Бирламчи модул – замонавий педагогик технологияларни унинг бирор даражасидан бошлаб тасвирлашда дастлабки модул сифатида танланган ва ўз таркибиға битта ёки бир нечта кичик модулларни оладиган модул тўпламидир.

Замонавий педагогик технологияларни тасвирлаш кўламига мувофиқ равиша танланган бирламчи модулларнинг ўз таркибида аслида қанча модулларга эга эканлигининг кўрсаткичи модул даражаси дейилади.

Модулли таълим асосида бўлажак ўқитувчиларда методологик маданиятни шакллантириш мақсадида дарсларда замонавий педагогик технологияларнинг модулларини қўйидаги даражаларга ажратилиши мумкин:

– Ўқув фанининг бир мавзусини, бир бўлимини, бир қисмини ёки ҳаммасининг таркибий бўлакларини ҳамда ўқитиш технологиясини ташкил қилувчи модуллар.

– Бир нечта турдош ўқув фанларининг таркибий бўлакларини ҳамда айрим фанларни ўқитиш технологиясини ташкил қилувчи модуллар (блоклар).

– Давлат таълим стандартининг таркибий бўлакларини ҳамда уларнинг бажарилишини таъминлаш технологияларини ташкил қилувчи модуллар.

– Ўқув режа ва дастурларининг таркибий бўлакларини ҳамда уларнинг бажарилишини таъминлаш технологиясини ташкил қилувчи модуллар.

– Таълим воситаларини ташкил қилувчи модуллар.

– Замонавий педагогик технологиялар жараёнида кўлланиладиган усулларни ташкил қилувчи модуллар.

Демак, модулда белгиланган мақсадни ўзгартирган ҳолда уни тўлиқ амалга оширишни таъминловчи, ўзаро фарқ қилувчи турли йўллар, усуллар, воситалар қўлланилиши мумкин. Замонавий педагогик технологиялар материалларини юкорида айтилган тартибда модулларга ажратиш жараёни модуллаштириш деб аталади. Модуллаштиришни тегишли материалларни тайёрлаш жараёнида амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу билан бирга илгари тайёрланган материаллар асосида ҳам модуллаштириш амалга оширилиши мумкин.

Шунингдек, таълим жараёнида кўлланадиган усулларни ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятини ҳам зарур деб ҳисоблаган ҳолларда алоҳида моделлаштириш мумкин. Таълим-тарбия жараёнида модулли таълим технологияларидан фойдаланишда дарсда фойдаланиладиган мавзу мантиқий тугалланган фикрли қисмлар, яъни модулларга ажратилади ва ҳар бир қисмни талabalар мустақил ўзлаштиришлари учун ўқув топшириқлари тузилади. Шу ўқув топшириқлари асосида ҳар бир модул якунида савол-жавоб ўтказилади ва хулоса чиқарилади.


Модулли таълимнинг асосий мақсади, талabalар модул дастурлари ёрдамида мустақил ишлашга асосланган ўқув-билиш фаолияти орқали белгиланган мақсадга эришадилар. Ўқитувчи мазкур модул дастурларидан аввал индивидуал тарздаги модул дастурларини қўллаб, талabalарда ўқув материалларини мустақил ва ижодий ўзлаштириш кўнилмалари

шаклланганлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг иккита талаба ҳамкорликда ишлашига мўлжалланган модул дастурлари, тегишли педагогик шартшароитлар вужудга келгандан сўнг кичик гурухларда ишлашга мўлжалланган модул дастурларидан фойдаланиши лозим.

Модулли таълим технологиясининг афзаллиги:

- таълим мазмунини оптималлаш;
- ўқув материалларини муайян тартибда тизимлаштириш;
- ўқув материаллари ва топшириқларини таълим олувчиларнинг имкониятига кўра мослаштириш;
- таълимни индивидуаллаштириш;
- таълим жараёнини фаоллаштириш;
- таълим олувчиларнинг таълимий имкониятларини тўла рўёбга чиқариш;
- таълим олувчиларда мустақил таълим олиш кўникма, малакаларини ривожлантириш;
- таълим олувчиларни назарий билимлардан амалиётда самарали, фаол фойдаланишга ўргатиш;
- таълим олувчилар фаолиятини реал кузатиладиган ҳаракатлар асосида объектив баҳолаш;
- таълим самарадорлигини изчил назорат қилиш.

Модул технологиясининг асосий тамойиллари



Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, модул технологиясини амалда қўллашнинг жараёнли босқичида ўқитувчининг вазифалари, шунингдек, ўқувчилар томонидан ўқув фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган таълим тури, таълим методлари намоён бўлади. Бу жараёнда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларда демократик тамойил, самарали усул, ташкилий шакл ва таълим воситаларининг танланишига алоҳида аҳамият берилади. Фаолият нуқтаи назаридан ёндашиш концепциясига асосланиб, ўқитиш жараёнини ташкил этишнинг қуидаги мантиқий кетма-кетлигини асослаш мумкин: дастлаб ўқув материали мазмунининг тавсифи, уни ўрганишдан кўзланган мақсад (ўзлаштириш даражалари), шунингдек, педагогик вазифанинг қўйилиш шартлари таҳлил этилади.

Агар бўлажак ўқитувчиларни модул технологияси асосида ўқитиш тўғри ташкил этилса, таълимнинг ҳар қайси босқичида улар янги ўқув материалларини ўзлаштиради, қўникма ва малакасини такомиллаштиради. Аввалдан лойиҳалаштирилган таълим жараёнининг модулли таълим технологияси ўзида таълим мақсади, мазмuni, шакл, методлар ва воситалар тизими, ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги фаолият кўрсатиш имкониятлари ҳамда якуний натижага эришишни таъминловчи мажмуани мужассамлаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Авлиёқулов Н.Ҳ. Ўқитишнинг модул тизими ва педагогик технологияси амалий асослари. Услубий қўлланма. – Бухоро, 2001. – 49 б.
2. Беспалъко В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – М.: Высшая школа, 1995. – 298 с.
3. Муслимов Н.А., Рахимов З.Т., Хўжаев А.А., Қодиров Ҳ.Ш. Таълим технологиялари. Дарслик. – Тошкент: “Ворис” нашриёти, 2019. – 568 б.
4. Муслимов Н.А., Рахимов З.Т., Хўжаев А.А., Юсупов Б.Э. Таълим технологиялари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Ворис” нашриёти, 2020. – 192 б.
5. Муслимов Н.А., Рахимов З.Т., Ҳамидов Ж.А. Касб таълими методикаси. Дарслик. – Тошкент: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020. – 282 б.
6. Олимов К.Т., Авлиякулов Н.Ҳ., Рустамов Р. Касбий фанларни ўқитишнинг модул тизими // Касб-хунар таълими, 2003. – № 2. – Б. 18.
7. Рахимов З.Т. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Дарслик. – Тошкент: “Ворис” нашриёти, 2020. – 242 б.
8. Толипов Ў.Қ. Педагогика жараёнини лойиҳалаш технологияси // Узлуксиз таълим журнали, 2004. – № 4. – Б. 3-10.